

# ТУТАШ СОҶИЛЛАР

Термиз — Хайратон кўприги очилиб, қарийб чорак асрлик урушдан жабр-ситамлар чеккан Афғонистон халқига инсонпарварлик юкларини етказиб бериш юмушлари енгиллашди. ... Куни-кеча Ўзбекистон ҳукумати томонидан тортқч этилган озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак юклари Термиз халқаро юк ташуви автокорхонаси машиналари билан нариги соҳилга ўтказилди.

Инсонпарварлик юкларининг келишидан Хайратонда ҳаммадан ҳам кўра юк ташувчилар — ҳаммоллар хурсанд бўлар эканлар. Чунки иш топилади. Иш борми — даромад нақд. Даромад борми — рўзғорда вақтихошлик. Юк ташувчиларнинг елкасида ун, шакар ё буюбди тўлғазилган халтанинг дуруст жойлашувига кўмаклашувчи мослама — пишқул бор. Улар қаторни адаштирмаган, ҳатто, илға тизилган доналарга ўхшаб бир текис ҳаракат қиладилар. Бир-бирларига гапирмасдан, теварақдагиларга эътибор бермасдан ишлайдилар. Уттизгача одам икки гуруҳга бўлиниб, иккала машинадаги 30 тоннача юкни ярим соат — қирқ дақиқаларда тўшириб, тартибли қилиб тахлаб улгурди.

Хайратон кўпригининг бериги учидан туриб қарасангиз, нариги дарвозасида турган одам элас-элас кўзга ташланади. Шу улкан иншоотдан туриб томоша қилсангиз, 465 минг куб ҳавзали азим Амударё ювошигина ариқчадай кўришиб қолади.

Шундай. Кўприк ташландими, соҳилларнинг бир-биридан узоқ-яқинлигининг аҳамияти чекинади. Кўприк — бир қалам йўл дегани. Салом-алиқ, бориш-келиш дегани. Пешонасига «Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдами кўпригини қурмоқда» деган шир битилган каттақон юк машинаси билан нариги соҳилга ўтамиз. Кўприк туган жойда четларига чиройли буюк билан ҳошия тортилган гўшти деворчага араб ёзувида битилган «Афғонистонга хуш келибсиз» деган ёзуви ўқиймиз.

Машина кабинасида эса Сурхондарё вилоят факултетида вазиятлар бошқармаси бошлиғи Ойбек Отақуллов гурун берди.

Афғонистонда халқаро терроризмга қарши кураш бошлангандан шу кунга қадар 2300 тонна инсонпарварлик юкларини баржалар орқали кўшни халққа етказиб беришни ташкил этдик, — дейди у. — Шу юкларнинг талай қисми ўзимизнинг — Ўзбекистоннинг улуши эди. Кўприкнинг очилиши энди ёрдам юкларини кечкиртмай, пешма-пеш етказиб беришимизни таъминлайди.

Бизни кутиб олган қорачадан келган бўлса-да, мўйлови сарғишроқ зобит ўзини Муҳаммад Зоҳир Коргарман, деб таништирди. Хайратон чегара кўнрали кўмондонининг муовини экан. «Кўмак юкларни келтирилди. Икки мутара (машиналар)», — деб телефон орқали хабар берди у ўз бошиқларига. Машиналаримиз кўп кутиб қолмайдик. Айланма йўл орқали юриб, ҳайдовчиларимиз машиналарини деворларини томлари кумушранг металл билан қопланган ва саҳни 12 соғичма келадиган омбор дарвозасига ўнгай қилдилар.

— Ман Ражабман, тахаллусим Солиқий, — дейди ҳаммоллардан бири бугунги қилган ишининг ҳақини омбор ходими билан ҳисоблашатиб.

— Тахаллусим бор, дейсиз. Шёёр ёзганми, — деб сўраймиз биз ундан.

— Йўқ. Ман мактаб кўрмаганман. Харф билмайман. Лекин хар кимнинг ўзинга тахаллус қўйиши бу жойда — таомил. Бизда ҳаммадан кўра дафтар-қоғоз танқис. Қалам ҳам. Ман дегин дафтар харид этдим. Уқитаман болаларимни. Бизга Ўзбекистондан нур ёйилпти. Ташаккур, минг ташаккур шу халққа. Борига шукур шуларнинг. Бизнинг Хайратонда ҳам юрт тинч бўлиб, шoirлар чиқади. Бир ўғлим шoir бўлди. Ҳаммоллик оғир иш. Насиб этиб, зироат ўстирармиз. Заводлар қураимиз. Одам бўлиб яшармиз. Яна бир бор айтди: шундай баландиним кўнралиларимизнинг бори-га минг қарра шукур.

Порт шаҳарга тугатиб кетган. Шаҳарга кирган жойда Абдираим деган йигит билан суҳбатлашамиз (Унинг ҳам Қавмарий деган тахаллуси бор). Ёшим йитирма туртди, — дейди у нақд ўзбек тилини сўраҳондорча шевада гапириб. — Отимин ёзишни билмайман. Пешонамга бу кўп йиллик уруш битган ёзилдик. Шахримизда икки мактаб бор. Биттасида кўч болалар, бировида ўғил болалар ўқийди. Мен ҳам энди мактабга каттаман. Юртимизга кўч чиқарипти. Йигит замон келаяпти, ахир Ҳува пешонамизнинг шўрини артаётгани рост бўлсин.

Улкан кўприк бўлса бизни Хайратонга қилган қисқа ва хайрли ташрифимизни оқликлагандай бўлиб қарши олади.

**Олимжон УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири,  
Термиз-Хайратон-Термиз.

## БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

11 декабрь куни Жиззах олимпия заҳиралари коллежидан енгил атлетика бўйича биринчи республика чемпионати бошланди.

Чемпионатни вилоят ҳокими У.Яманқуллов табриқ сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев мусобақа қатнашчиларини кутлар экан, ешларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида бундай беллашулар ниҳоятда

муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг майдон узра мамлакатимиз мадҳисини инграб, мусобақа байроғи кўтарилиди.

Мусобақаларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 250 дан зиёд спортчи иштирок этмоқда. Чемпионатнинг биринчи куни 3 километрга югуриш-кросс беллашуви билан бошланди.

**Йўлчи ЖўРА,**  
ЎЗА мухбири.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

10 декабрь куни Токиода, Император саройида Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Факултетида ва Мухтор элчиси М. Очиллов Япония Императори Акихитога ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросиминан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида кейинги йиллар давомида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларда салмоқли ўсишга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Узаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда савло-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш учун барча асослар мавжуд экани таъкидланди.


**«Жаҳон» АА.**

## Лўнда мулоқот

## Кўмита раисига қўш савол

«Боридетган самарани ишлар, Ватанимиз фарзандларининг нафақат она дивергенция, балки жаҳон бўйлаб қўлга киритилган улкан қалабалари ҳақиқати хушхабарлар ҳам газета саҳифаларида мунтазам бериб борилади. Шунинг учун ҳам спортчиларимиз хоризжий мамлакатларда бўлганларида Ўзбекистондаги янгилеклардан хабар топиш учун дилтангил «Халқ сўзи» ва «Народное слово» кўзимизни қўйишди. Мен шу ўринда бу газеталарда топ этилган маълумотларнинг тезкорлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Биринча нисол келтирмоқчиман. Спортдаги ютуқларимизни халқимизга тезроқ етказиш ҳуусида лиз кетган бир суҳбатда машҳур чарм қўлқоп устаси, ринг кирдоли Артур Григорин мазкур газеталар ходимларининг мамнуниятини қўйишгагина изҳор қилганди: «Қиёна АҚШдан ёки Германияда ўтказилган турнирларда чемпион бўлсам, эртаси куни «Халқ сўзи» ва «Народное слово»



**О. РАЖАБОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 12 декабрь  
чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 250 (2812)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНА УЧРАШУВЛАРИ

Вена. 11 декабрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Бугун эрталаб Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австриянинг собиқ Федерал канцлери Франц Враницкий ҳамда Контролбанк ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудолф Шольтс билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистонга Австрия сармояларини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, Ф.Враницкий Федерал канцлер лавозимида ишлаган пайтда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Шундан буён у билан Ислом Каримов ўртасида қалин шахсий дўстона муносабатлар қарор топган. Айни пайтда Ф.Враницкий Австрия ишбилармонлари уюшмасига раҳбарлик қилади. Ислом Каримов Ўзбекистон — Австрия муносабатлари ривожига бу инсоннинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлади ва австриялик ишбилармонларни



Ўзбекистонга янада кўпроқ сармоя киритишга даъват қилди.

Президентимиз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) бош қотиби Ян Кубишини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — ЕХХТ муносабатлари, мазкур

ташкилот фаолиятини тақомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ислом Каримов ЕХХТнинг хавфсизлик масалаларидаги иштирокини кенгайтириш, ташкилотнинг бу борадаги амалий ҳаракатларини кўпайтириш бугунги куннинг дол-

зарб вазифаси эканини таъкидлади. Учрашувда Афғонистонда узоқ бераётган воқеалар ҳуусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур учрашувлардан кейин Президент Ислом Каримов «Хофбург» саройига келди. Уни Австрия президенти Томас

Клестил кутиб олди. Олий даражадаги меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қорувул саф тортди, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг яқинида-яқина суҳбатига Ўзбекистон билан Австрия

Давлатимиз раҳбарининг Австрияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА).  
**СУРАТДА: расмий ташриф чоғидан лавҳа. Муҳаммад АМИН олган сурат.**

## Референдум — умумхалқ маслаҳатлашуви

Ўзбек парламенти ўзининг навбатдаги сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бугунга: хавфсизлик ва ҳамкорлик шартлари ва тараққиёт факторлари» асосида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш омиллари ҳуусида фикр юритар экан, жумладан, шундай ёзди: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи кампада учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ

томонидан қанчалик назорат қилиниши ва оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир».

Демократиянинг асл моҳияти нима? Демократия — бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши учун кенг имконият яратиб демократик Мустақилликнинг қомус бўлиши Конституцияда Ўзбекистонда суперен демократик республика, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — халқ экани алоҳида таъкидланди. Давлат ўз сиёсатини халқнинг тўб, асл манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юритади.

Амалиятда демократиянинг икки кўриниши мавжуд: вакиллик (билвосита) демократияси ва билвосита демократия. Фуқаролар эркин ва демократик сайловларда давлат ҳокимиятига ўз вакилларини — де-

путатларни сайлайдилар ҳамда ана шу вакиллар орқали давлатни бошқаришда билвосита иштирок этадилар.

Референдум — умумхалқ маслаҳатлашуви. Бунда халқ ўз тақдирини, ҳаётига оид муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида билвосита иштирок этади.

Биринчидан, айнан референдум халқ ироадисини кенг, тўғридан-тўғри намоён этишни восита сифатида устувор аҳамиятга эгадир. Яъни жамият аъзоларининг озу-ингилишлари референдумда билвосита намоён бўлади. Шунингдек, сир эмас, фуқаролар ўзларининг кенг иштироки асосида қабул қилган қарорларга ҳурмат билан қараб, уларнинг ижроси учун астойдил жон куйдиришлари табиий ҳодиса.

Қолаверса, кишилар муҳим

сиёсий қарорларни муҳокама этиш ва қабул қилишда фаол иштирок этар эканлар, табиийки, уларнинг тафаккурлари чарчанади, сиёсий ҳуқуқий онги ошади. Бу эса мамлакатимизнинг демократик истиқбол учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Референдумни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Албатта, бу муҳим сиёсий тадбирнинг самараси унинг эркин, ошқора ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» Қонуннинг янги таҳририда бунинг учун барча ҳуқуқий қарорларни яратилган. Ўйламанки, навбатдаги референдум ўзбек миллий давлатчилиги тараққиётида муҳим босқич бўлиб қолади.

**А.САИДОВ,**  
профессор.

## Сессиядан кейинги ўйлар

Юртбошимизнинг Олий Мажлис еттинчи сессиясида сузлаган нутқи телевидение орқали кўрсатилди. У кишининг юрт осойишталиги ҳақида қўйиб-пишиши меннинг қалбимга ҳам кўчди. Ўзбекистон ва унинг халқи тинчлигини, тараққиёти учун кечаяқ кундуз тинмасдан меҳнат қилаётган, одамларга ҳам ўзининг фидойилик фаолиятини «юктириш»га интилаётган шундай аjoyиб раҳбаримиз борлигидан беҳад гурурайдим. Ва айни пайтда... Бизлар ҳам шу Инсоннинг қадрига етайлигимиз, нима учун у бутун боши қўйинчиликлар бор. Лекин бу нарса дунёнинг қайси мамлакатда йўқ.

Сессиянинг иккинчи куни эрталаб ишга кетарканим, одамларнинг гап-сузларидан кўнгим бир қалар ёришди, ичимдаги хавотирим барҳам топгандай бўлди.

## Тараққиёт йўли

— Ислом Каримов нутқини мириқиб эшитдим. Маълумки бир китоб ўқиб чиққан бўлишим. Муҳим, кўп нарса учун тўғри тушуниб олдим. Биринчиси шунки, террорчи-ларга қарши икка ҳолда курашиш бўлмас экан. Аксинча, кўп давлатлар бирлашиб ҳаракат қилмоғи зарур экан. Иккинчиси, Ўзбекистонга Америка жойлашиб олди, деган гаплар ёлғон чиқди. Юртбошимизнинг ўз оғизларидан эшитганим, Америка ҳарбийларига аэродром ажратиб берилибди, холос. Бунинг замирида ҳам фақат юртимизни ҳимоя қилиш манфаати ётаркан.

— Тўғри айтасиз. Одамлар оғзи билан эмас, оғзи билан юрдадан бўлиб кетишганми, дейман. Йўқ гапларни қардан олишаркан-а. Сессияда ушайларга қаттиқ эътироз билдирилди, бор нарса қўнғай равшан бўлди-қолди. Ислом Каримов жуда чиройли бир гап айтди: «Эй латандошлар, биродарлар, динимизни, иймонимизни асрайлик», деб баланд овоз билан айтишимиз керак». Чунки иймоним одам мусулмондир, Мусулмон одам бировага иши

билан ҳам, сўзи билан ҳам озор етказмаслиги керак.

Маълум бўлишича, заводда ишлайдиган бу икки ҳамсуҳбатнинг гап-сузлари кўнглимга маъқул бўлди. Мен бошқа нарсалардан қувондим: одамларнинг соғлом ва тўғри фикрлай бошлагандан. Демак, одамлар онги ўзгариб борапти. Улар оқ билан қорани, рост билан ёлғонни ажрата билишга ўрганишляпти. Бугунги одамлар кечаяқ кун одамлардан тўбдан фарқ қилинади. Улар ижобий маънода ниманидир тушунишди, ниманидир қарлашди ва ҳеч бўлмаганда шунга ҳаракат қилишляпти.

Қадимда бир олимнинг гўянда истеъдодли шогирди бўлган экан. У тиним билмасдан ишларкан. Бир йил шу зайла-ўтга, устоз уни ишдан ҳайлаб юборибди. Бошқалар наҳот шундай меҳнатсевар шогирд шунга муносиб бўлса, деб таъжабуланишибди. Олим уларга шундай жавоб қилди: «У бундан бағтарига ҳам лойиқ. Чунки ҳеч қачон фикрламайдми».

Бутун бизга фикрловчилар керак. Чунки улар Ватанинг қадрига етиш, унинг куч-қудратини тан олиш, буюк ва сукуятини асраб-авайлашга қодир бўладилар. Улар бор жойда мўмин-инилар, ёлғонлар, алдовлар учиб келаркан. Улар бор жойда ҳақиқат, алолат юзага чиқарилар.

**Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган ййгилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## МУБОРАК ЗИЁРАТ ОЛДИДАН

Ййгилиши Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов бошқарди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқароларимизнинг мусулмончиликнинг бешиқини арқони бўлиши ҳаж зиёратига уюшган тарзда юборилиши хайри анъана тусини олди. Бу борада ҳукуматимизнинг ҳар йили мабуутдаг эълон қилинаётган «Муборак ҳаж зиёратига борувишларга ёрдам кўрсатиш ҳақида» ги қарори катта аҳамият касб этмоқда. Айтши жоизки, муборак зиёратта бориш бошқа мамлакатларда айни шаклда уюштириш йўлга қўйилмаганини назарга олади-

ган бўлсақ, бу бизнинг диёримизда мўқаддас динимизга бўлган юксак ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин кўринишидир.

Ҳозир жойларда ҳаж амалларини бажаришни ният қилган барча мўмин-мусулмонларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Юқорида номни зикр этилган қарорга асосан, ҳаж сафарини ташкил қилишда мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш, зиёратчиларнинг бориб-келишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш, уларни ҳаж амаллари ва жорий қондалар билан янада чуқурроқ

Исон дунёга бир марта келади. Унинг умри қанчалик мазмунли бўлиши ҳаётдаги ҳамроҳига, дўстларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ахборот асрида яшарканмиз, даврий нашрларнинг ҳам ўзини хос хайроҳига айлангани турган гап. Айниқса, турли сафарларда кўнралига кўнралига ахтирб қўйилган. Ҳуш, Ватанимиз спортчилари олис сафарлар давомида қайси газеталарни ўқийдилар?

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б. МАХСИТОВ га борган биринчи саволимиз ана шундай бўлди.

— Ҳеч муболагасиз айтишим мумкинки, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамиятимизнинг барча соҳалари ҳақида кенг маълумот беришга маъбудот нашрлари саналган, — дейди Баҳодир Махситович. — Жумладан, республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб

(Давоми 2-бетда).



**Б. МАХСИТОВ**  
Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси

# МУБОРАК ЗИЁРАТ ОЛДИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

гаништириш, Арабистоннинг иқлим шартини ҳисобга олган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказиш, визалар бериш, воситачилик ҳақи олмаган ҳолда ҳорижий валюта билан ҳамлаш, хавфсизлик чораларини мустақамлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳаж зиё-

ратига бориш истагини билдирган фуқароларнинг аризасини жойларда қабул қилиш, уларнинг ҳужжатларини белгиланган тартибда ташлаб олиш, бунда муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинганлиги муносабати билан уларга, айниқса, эл-юрт ҳурматига сазовор кексаларга алоҳида ҳурмат-

этибор кўрсатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Сўзга чиққанлар ҳукуматимиз яратиб бераётган бундай имтиёزلардан унумли фойдаланиш, ҳаж мавсумини ушоққоқлик билан ўтказиш, бўлгуси ҳождларнинг аризасини ўз вақтида алоқаларни қўриб чиқиш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда уларга яқиндан

қўмаклашиш лозимлигини қайд этди. Зеро, мамлакатимиз фуқароларининг вилдон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, диний бурчларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратиш ҳукуматиимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов иштирок этди.

Ўқтам ДҮСТЕР,  
ЎЗА мухбири.

Вазирлар Маҳкамасида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раиси Х.Кароматов бошқарган йиғилишда таъкидланганлиги, мамлакатимизда байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида мундан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, миллатлар

## Ташкилий қўмита йиғилиши

раро тотувликни янада мустақамлаш, турли миллатлар мансуб ёшларининг ватанпарварлик, инсонпарварлик ва мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз халқларининг ўзига ҳокимий урф-одатлари ва қадриятларини ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда миллий-мада-


ний марказлар фаолиятини изчил рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг шу тўғрисида қабул қилган махсус Фармойиши бу ишларда дастуриламал бўлмоқда. Ингилишда тегинли ташкилотлар раҳбарларидан иборат ташкилий қўмита

таркиби ва тадбирлар режаси тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва жамоат ташкилотлари зиммасига ушбу сана билан боғлиқ тадбирлар ҳақида юқори савияда изчиллик билан ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов қатнашди. (ЎЗА).

## Ўзбекистон — Австрия: ҳамкорлик робиталари



Шундай бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл иккинчисига: — Арзонлигига ўчмаганимда, шу ташвишлар йўқ эди. Хали бир ой бўлмасдан иккинчи ажралди-қўйди... Резинка бўлганлиги учун тикиб ҳам бўлмас экан. Эсиз, шунча пул! — Бу «хитой» туфлисидо этиклари мол-пол эмас, — суҳбатга қўшилиди ёнидаги аёл. — Усти ялтироғу ичи қалтироқ, Боланинг оёғи терлайди, ҳавосизликдан қийналади. Бироз қиммат демаса, ўзимизнинг «Янги вега» пойабзалларига етмайди.



# Қулай ва чидамли

Шу суҳбат туртки бўлиб Ингилишдаги Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси — «Янги вега»га йўл олдик. Дарвоқе, корхона ҳақида. Мазкур корхона ҳар икки давлат ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг илк меваси сифатида дунёга келган. Бу ерда ўн уч турда, асосан ўғил болалар пойабзаллари ишлаб чиқарилади. Корхона ишга туширилган дастлабки йили 41 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ўн ойида бу кўрсаткич қарий 163 минг жуфтни ташкил этди. — Иш бошланган дастлабки йилнинг пойабзал ишлаб чиқаришга кетадиган зарур хомашё тўғрисида ҳорхондан, асосан Австриядан келтирилди, — дейди корхона раҳбари Хўжагелди Эрдилев. — Ҳозир асосий хомашё, айниқса, пойабзалларнинг устки қисм қармлари республикамизда фаолият юритиётган «Олтин тер», «Кешкуш», «Жанубий Корея» сингари қўшма корхоналар маҳсулотини ҳисобдан қопланмоқда. Тағчир учун ишлатилган полиуретанни ҳозирча ҳорхондан келтирилади. — Кўп ҳолларда «Янги вега» пойабзаллари қиммат, деган эътирозларни эшитиб қоламиз, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи София Шушкова. — Агар пойабзал учун кетадиган барча маҳсулотлар — табиий матолар асқ қармдан тайёрланишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жаваблар ва фарандаларимиз саломатликларини учун фойдали, қолаверса, пи-

шиқ-пuxта. Айниқса, унинг чидамлиги ва қулайлиги серфарзанд оилаларга қўл келади. Ҳозир бу ерда 173 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, корхона тўла қувват билан ишлаётган бўлса, корхона тўла қувват қўлайди. Ишлаб чиқариш ҳажми эса 450 минг жуфтга етди. Айтиш мумкинки, «Янги вега»нинг истикболи порлоқ. Айни пайтда жамоа катталар ва аёллар пойабзаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ва ўз маҳсулотлари билан нафақат юртимиз, балки хориж бозорларини ҳам забт этиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда. — Яқинда «Ўзбекчарм»пойабзали» уюшмаси таркибидagi барча корхона ва ташкилотларнинг улгуржи ярмаркаси ўтказилди, — дейди раис. — Бунда биз ҳам иштирок этиб, бир неча фойдали битимлар тузишга эришдик. Демак, «Янги вега» маҳсулотлари афзаллигини юртдошларимиз тўла тушуниб еттилар. Бу эса корхона маҳсулотларига қундан-қунга талаб ортиб бораётганини кўриштиради.

Мажҳуда ХОЛМАТОВА,  
Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ  
(суратлар),  
«Халқ сўзи» мухбирлари.  
СУРАТЛАРДА: модельер Наталья Крылова,  
таёйрловчи Асия Зияддинова, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи София Шушкова; «Янги вега» маҳсулотлари; тикув пехива.

# Ҳамкорликнинг янги босқичи

Жаҳондаги, яъни халқаро майдондаги сиёсий ҳаёт ҳам инсоннинг шахсий ижтимоий ҳаётига ўхшайди. Инсонга унинг яқин қунарида ҳам, ёмон қунарида ҳам ақсоладиган дуст керак. Халқаро ҳаётда, аввало, давлатлараро муносабатлар ҳам яқин ҳамкор керак. — Хусусан, ҳеч кимга сир бўлмаслиги лозимки, мамлакатимизнинг дунёдаги энг қулатилган давлат бўлиши Америка Қўшма Штатлари билан узоқ ва давомли, ўзаро манфаатли алоқалар ва муносабатлар тузилишига нима ва ким қарши чиқариши мумкин? — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида сузлаган нутқида ва бу узоқ мудатли, ўзаро манфаатли алоқаларнинг мақсад-моҳиятини ифодалаб, шундай деди: — Аввало, биз учун муҳим муаммо бўлиши хавфсизлик масаласида дафолатлар олиш, эртанги овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишмишда, шу мақсадларга эришиш учун демократик давлат ва фуқароларлик жамияти асосларини қуришда, бозор иқтисодларини охиригача етказишда қўмак ва ҳамкор топшиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини мамлакатимиздаги бирон бир сиёсий куч ёки аҳолининг қатламлари ва уларнинг вакилларида исбот қилиб бериши зарурати борми? Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлари қарийб ўн йилдан

кўпроқ вақтдан бери синовдан ўтиб келаяпти. Утган даврда бу муносабатлар тобора мустақамлашиб, босқичма-босқич, яъни мазмун-моҳият касб этиб боришида Ўзбекистон раҳбарининг хизматлари катта. Шу йил ноябрь ойининг охирида Ўзбекистон Республикасининг юқори мартабали делегацияси Вашингтон шаҳрида Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан кенг ва изчил маслаҳатлашувлар ўтказди. Икки томон ҳам ўзининг сифат жиҳатдан янги, узоқ мудатли муносабатларига содиқ эканини изҳор этди. Ўзбекистон Республикаси делегациясини Миллий Хавфсизлик Кенгаши, Конгресс, Давлат департаменти, АКШнинг бир қатор нуфузли раҳбарлари ҳамда идоралари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Давлат котиби К.Пауэл билан учрашув чоғида АКШ томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга йўллаган мактуби топширилди. Музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро аниқлаш тўғрисида меморандум имзоланди.

Имзоланган меморандум, шубҳасиз, тарихий ҳужжат. Унинг аҳамияти ҳақида гапирганидан аввал, бу ҳужжатнинг батларнинг ривожланиб бораётганини, халқаро терроризмга қарши курашда ҳамда экстремизмнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манбаларини йўқ қилишда мақсадларнинг муштараклигини, Қолаверса, Ўзбекистоннинг кенг қўламадаги иқтисодий ислохотларини амалга оширишдаги интиқиларини қўллаб-қувватлаш зарурлигини, шунингдек икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва алоқалар тобора юксалиб бораётганини, шубҳасиз, шундай тарихий ҳужжатни имзоланган туртки берди. Меморандумда бу ҳолатларнинг ҳар иккала томон эътирофи этилди. Унда бундан кейинги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгиланган. Меморандумдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳукумати барқарорлик ва аҳолининг эҳтиёжларини қўриқувчи манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиш заруратини инобатга олган ҳолда иқтисодий ислохотларини амалга оширишда бундан кейин ҳам қатъиятлик

кўрсатади. Бу қатъиятлик ниямларда намоён бўлиши мазкур ҳужжатда аниқ йўналишда бўлишига асослаб берилган. Яъни, Халқаро валюта жағмараси иштирокида бошқа халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш учун ислохотларнинг ишончли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек бошқа бир қатор зарур иқтисодий тадбирларнинг жорий этилиши назарда тутилди. Шу билан бирга, сармоядорларга қўшимча қулайликлар яратиш ва Ўзбекистоннинг бой минерал хомашё захираларини ўлаштириш ва қайта ишлашда уларнинг иштирок этиши кенгайтирилади иборат чора-тадбирлар қабул қилиш орқали инвестиция муҳитининг жозибadorлигини таъминлаш қўзда тутилган.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ниямларга тарафдор эканлиги, унинг Ўзбекистон билан қиланган ҳамкорлигининг ҳамда янада берилган ерданнинг йўналишлари ҳам мазкур ҳужжатда тўла-тўжи аке этилган. Жумладан, АКШ ҳукумати Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларга устуворлик мақоми бериб, Ўзбекистон Республикаси ва халқининг тараққиёти ҳамда гуллаб-яшнаши жаладлаштириш учун яқин ҳамкорликда ишлаш ниятида қатъий. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Халқаро валюта жағмараси ҳамда бошқа халқаро молия институтлари билан муносабатларини мустақ-

## Бизнинг шарҳ

камлашга қўмаклашди. АКШ ҳукумати халқаро тузилмалар, шу жумладан, Европа Иттифоқи, «Катта саксиндик» ва бошқалар томонидан молиялаш манбаларини қўлайтириш борасида Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда иш олиб боради. Шунингдек, АКШ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларини техник жиҳозлашга молиявий ёрдам бериш орқали Ўзбекистоннинг Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга қўмаклашиш йўли билан инсон ресурсларини ривожлантиришга ҳамма қўшади.

Умуман, ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамнинг қўламини кенг. Шу ўринда ҳужжатнинг иккинчи бағлига алоҳида ўрғу бермаслик мумкин эмас. Биринчидан, АКШ ҳукумати Ўзбекистоннинг Амударё ҳавзасида икки йилдан бери давом этаятган қургочликнинг салбий таъсирини бундан кенгайтирган ҳудудлари аҳолисида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласини қўриб чиқишнинг мақсадида мувофиқ дедик топди. Иккинчидан, томонлар биргаликда белгиланган устуворликларга мувофиқ, тез орада, шу йилнинг ўзида қўшимча иқтисодий ва гуманитар қўмак ҳамда хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик учун умумий қиймати 100 миллион АКШ долларини миқдорда ёрдам бериш ниятида.

Томонлар молиявий-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, савдо-инвестициявий, гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва тартибга солишга ёрдам берилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақида келишиб олдилар. Шунингдек, улар бошқа яна бир қатор муҳим масалаларни қўриб чиқишга тайёр эканликларини билдиридилар.

Иброҳим НОРМАТОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

Замонавий Санъат марказида Бадий академия Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон санъати (1991-2001)» китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

## Тақдирот маросими

— Мазкур китоб миллий санъатимизнинг янги тарихий шарафидоги тараққиёти таҳлиliga бағишланган илк фундаментал тадқиқот бўлиб, унда мустақиллик йилларида Ўзбекистон санъати, юртимиз бадий-маданий ҳаётида кечган жараёнлар, янги ижодий йўналишлар ва аънонавий шаклларнинг мутаносиблиги масалаларига кенг эътибор берилган, — дейди академик Э.Ртвеладзе. — Китобда тасвирий ва амалий санъат, мейморчилик, мусиқа, театр, кино ва телевидениенинг сўнгги ўн йил мобайнидаги тараққиёти, бадий изланиш жараёнлари акс этган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев қатнашди.

Хулқар СОДИҚОВА,  
ЎЗА мухбири.

# Комиссия мажлиси

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилнинг IV чора-да нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳукумат томонидан тасдиқланган «Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиринишга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур»да қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, қорхоналарда хорижий валюта тушувлари аҳоли ҳамда бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

Мажлисини мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди. Қайд этилдики, 2001 йилнинг январь-ноябрь ойларида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш ва муомалага нақд пул чиқариш ҳажми мамлакат миқёсида қўзда тутилган даражада бўлди. Хусусан, банк кассаларига белгиланган 15,1 фойз бўлган нақд пул маблағлари келиб тушди.

Анджон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида муомаладан нақд пул олишга эришилди. Натижада республика бўйича муомаладан нақд пул олиш кўрсаткичлари бажарилиди.

Лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида муомалага нақд пул чиқариш кўрсаткичлари-

нинг юқори даражада қолаётгани, ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияларининг бу борада етарли иш олиб бормаётгани, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётгани ҳамда фаолиятда қатъий назорат ва талабчанлик еттирмаётгани танқид қилинди. Мазкур масала юзасидан ушбу ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Уларнинг зиммасига манфатдор идоралар билан биргаликда жорий йилнинг ноябрь ойида пул муомаласига доир асосий кўрсаткичлар юқори бўлган ва муомалага нақд пул чиқариш кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланган шартларда қўриш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, мажлисда Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси Б.Бекжоновнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиринишга доир 2001-2005 йилларга мўлжаллан-

ган дастур»да қўйилган вазифаларнинг вилоятда бажарилиш аҳоли тўғрисидаги ахбороти муҳокама қилинди. Унинг зиммасига мазкур дастурда қўйилган вазифаларнинг оғимай бажарилишини таъминлаш, вилоятда харидорлар халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмол товлари экспорт ҳажмини, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда шулар ҳисобига ҳудудда нақд пул муомаласини мустақамлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, мажлисда мазкур вилоят Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди. Таъкидлангани, вилоятнинг Галлорой ва Бахмал туманлари Пул-кредит сиёсати комиссияларининг фаолиятда талабчанлик еттирмаётгани натижада жорий йилнинг ноябрь ойида муомалага нақд пул чиқариш кўрсаткичлари бажарилмаган. Зафаробод, Дустлик, Арнаош, Зомин, Пахтакор туманларида эса мазкур кўрсаткич юқори бўлган.

Мажлисда Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси Б.Бекжоновга комиссиянинг жорий йилдаги фаолияти етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа мудатларда бартараф этиш, айтиб қўриб қўриш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида қўриб чиқиш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегинли қарорлар қабул қилинди. (ЎЗА).

## Янги бозор тузилмаси

# Экспорт учун яна бир имконият

Республикамиздаги мавжуд корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кенг халқ оммасига таништириш, уларни ярмарка савдо-ларига жалб этиш орқали одамларнинг талаб ва тақлифларини ўрганиш, шу йўсинда маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш бугунги куннинг асосий вазифаларидандир. Ана шу мақсадда пойтахтимизда «Ўзқўразмасавло» акциядорлик жамияти ташкил этилган эди. 2001 йилнинг июнь ойидан бошлаб эса Қашқадарё вилоятида унинг шўба бўлинимаси — «Қашқадарёқўразмасавло» ҳиссалорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

— Жамоамиз аҳли, — деди марказ директори Фозуржон Пулатов биз билан суҳбатда, — вилоятда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, унинг экспорт имкониятларини кенг тартиб қилиш, доимий фаолият кўрсатиши ва махсус ярмаркалар, кўразмалар ташкил этиш, товларлар (ишлар, хизматлар) бозорида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузилган барча турдаги (шу жумладан, экспорт ва импорт) шартномаларини расмийлаштиришда қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларга бошқа комплекс хизмат турларини кўрсатиш билан шугулланмоқда. Хусусан, ўтган қисқа фурсат ичда жамият томонидан умумий ҳажми 207,1 миллион сўмлик 21 та савдо шарт-

номаси рўйхатга олинди. Шундан 151,5 миллион сўмлик 9 та савдо контрактлари экспорт, 35,7 миллион сўмлик 10 та савдо контрактлари импорт маҳсулотлари учун тузилди.

Ярмарка савдоларида имзоланган шартнома биржа савдолари контрактдан шунини билан фарқ қилдики, у воситачи-брокерларез, тўғридан-тўғри маҳсулот етказиб беришчи билан тузилди. Қолаверса, мазкур битимнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан пул ва пушиқ бўлиши учун ярмарка хизмати мутахассислари мижозга яқиндан ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига қулайлик яратиш мақсадида «Клиринг-ҳисоб палатаси» бўлинимасининг фаолияти йўлга қўйилган. Унинг асосий вазифаси республикамиз ички бозорига четдан тақлиф этиладиган импорт маҳсулотларини сотиш юзасидан тузилган шартнома ва импорт контрактларини рўйхатга олиш, ахборот, консалтинг, маркетинг ва экспертиза хизматларини кўрсатиш, шартноманинг ижро механизмининг назорат қилиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китоб турлари бўйича норезидент шахслар учун қариллик вазифасини бажаришдан иборат.

«Клиринг-ҳисоб палатаси» томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг яна бир афзаллиги шундаки, харид қилинаётган импорт маҳсулот учун тўлов

«сўм»да амалга оширилади. Сотувдан топилган маблағ эса «Клиринг-ҳисоб палатаси»да норезидент, яъни хорижий ҳамкор номига очилган махсус ҳисоб рақамида сақланади. Хорижий шериклар ўз наватинда ушбу маблағ эвазига бевосита ярмаркадан маҳсулотларни харид қилиш, уни республикамизда ташқарига олиб чиқиш кетиши ёки пулни республикамиз ваколатли банкларида очилган чет эл банкларидаги «ЛОРО» мухбирлик ҳисоб рақамларига ўтказиши мумкин.

Фақат шунгина эмас. Ярмарка савдоларида тузилган импорт шартномасини имзоланган ҳужжалик юритувчи субъектлар консалтинг хизматлари кўрсатуви турли фирмалардан нархнавога доир хулоса олиш муаммосидан ва ушбу шартномани тегинли банк муассасалари тегинли банк мажбуриятдан озод этилади. Импорт шартномаси «Клиринг-ҳисоб палатаси»да рўйхатга олинган, шу ернинг ўзида импорт битими паспорти» расмийлаштирилади ва бевосита ярмарка хизмати томонидан боқжона организмга ҳисобга қўйиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Буларнинг барчаси, табиийки, корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидорлигини таъминлабгина қолмай, уларни экспортга чиқариш имконини кенгайтиради. **Жўра ХУСАНОВ,**  
журналист.

## Қимматли қозғалар

# Айланма маблағ қандай кўпайтирилади?

Республика Биржа марказида «Макс Хурсов Лтд» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг эгаси номи ёзилганган фойзлик облигацияларини чиқариш ва бирламчи жойлаштиришга бағишланган тақдироти бўлиб ўтди. Унда Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Давлат марказий депозитарийси, «Тошкент» республика фонд биржаси, «Элсис-клиринг» ҳисоб-клиринг палатаси, «Давинком» фирмаси, шунингдек, етакчи тижорат банклари, инвестицион институтларнинг раҳбарлари ва ходимлари ҳамда салохиятли сармоядорлар иштирок этидилар.

Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори Мурод Юнусовнинг учрашуви оғар экан, корхонанинг корпоратив облигациялари — даромади йиллашган қимматли қозғаларнинг янги тури республика фонд бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

## Зукколик

### Мукофотга — бир ярим миллион

«Конституция — бахтимиз пойдевори» шiori остида ўтган республика олий ўқув юрталари ўртасидаги кўрик-танловда Самарқанд давлат

— Шу билан бирга, — деди у, — Ўзбекистон эмитентлари учун бундай облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш бўйича Халқаро эмиссия синдикати (ХЭС)нинг ташкил этилиши айни мундоо бўлди. Ташкилотчиларнинг қай қилишича, ХЭС республикамиз ва чет эл банклари ҳамда компанияларнинг қўнғилди билан билиш бўлиб, у комплекс ишларни амалга оширади. Бошқача айтганда, андеррайтинг, яъни қимматли қозғалар бўйича хизмат облигациялар эмитентларининг салохиятини аниқлаш, уларнинг молия-ҳужжалик фаолияти юзасидан диагностика текширувлар олиб бориш, бизнес-режаларини тайёрлаш ҳамда облигацияларнинг эмиссияларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш, уларни бирламчи жойлаштириш ҳамда иккликам бозорда қўллаб-қувватлаш, даромадларни тўлаш ва сундиришга бўлган барча юмшларни қамраб олади.

Энди «Макс Хурсов Лтд» қўшма корхонасида тўхтаб, у мамлакатимизда маданий сув ва яхна ичимликларини

ишлаб чиқарувчи қарвонбошлардан берибди. Қўшма корхонанинг бош директори Зафар Камолоннинг фикрича, унинг 100 миллион сўм ҳажмидаги эмиссиянинг номи ёзилганган фойзлик облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш лойиҳаси эса 9 ой муддатда 27 фойз йиллик даромад олишни қарорлади. Ҳозирча облигацияларини бирламчи жойлаштириш жараёни низоҳатга етди; тегинли маблағ қўшма корхона ҳисоб рақамига келиб тушди. Қизилқумчи сармоядорлар иккликам бозордан зарур миқдордаги облигацияларини сотиб олишлари мумкин.

Тез орада бошқа эмитентларнинг умумий қиймати 1 миллионга сўмдан зиёд турган облигациясининг ҳам муомалага чиқариш мўлжалланмоқда. Фонд бозорининг мазкур бўғинини боқедамма-босқич ривожлантириш эса ў

# ҲАЗРАТИ ИНСОН

### ҲАЁТНИНГ БУТУН БИР МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Кайси давлат ҳар бир фуқаросининг инсон сифатидаги қадр-қимматини жойига қўйишни ташкил қила олган бўлса, барча қонунлари ва амалий ишларида унинг ижобий жиҳатларини кучайтиришга, бирлаштиришга ҳаракат қилса, ўша давлатда МИЛЛАТ тушунчаси баландларга кўтарилади. Қаердаки бу масалага жиддий эътибор берилмаса, у ерда миллат тушунчаси кичраиб боради ва миллатлараро муносабатларда беқарорлик юзага келади. Бора-бора миллий низолар, адоватлар, қон тўкишлар миллат деган мўъабар тушунчани обрўсизлантиради. Ўша адоват, низоларнинг жабрини кўрган, ҳақорат ва ҳўрликни кечирган кишиларнинг кўнгли ҳаётдан совилади. Ҳатто шу даражага бориб етатики, ҳеч қайси миллатга мансуб бўлмай, инсон азиз бўлган жойларга кетиш истаги пайдо бўлади... Терроризм сабабли Афғонистондан кетиб қолган минглаб бегуноҳлар тақдирини бунга мисол бўла олади.

Шу боис мамлакатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунлариданоқ инсонпарварлик тамойилга таяниб иш қўрди. Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу гоя — овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётини идеалларини ўзида акс эттирган миллий истиқлол мафқураси шакллантириди.

Истиқлолимизни мустақамлаш ва келажиги буюк давлат барпо этиш йўлида тарихий ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилган бир даврда миллий гоя ва миллий истиқлол мафқураси юртимизда яшайётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқараётганининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсад бўлиб қолди. Бу эса кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндлари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари зиммасига миллий истиқлол гояси тушунчаси асосида миллий мафқурано янада такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онига ва қалбига синдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариш вазифасини юклайди.

Миллий мафқура халқнинг энг улғў мақсад ва му-

## Ифтихор

даоларини ўзида ифодалайдиган, тарихнинг мураккаб синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўладиган эзгу гоялар мажмуидан иборат эканлигини чуқур англаб етган юртдошларимиз бу вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш йўлида сиққидилдан, фаол ҳаракат бошладилар.

Ўзбекистон ҳудудидagi барча миллатларнинг қалби, бутун вужудидagi яшилликлар тинчлик ва барқарорликка, маърифий, маънавий, маданий юксалишга, иқтисодий ўсишга, халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллашимизга асос бўлди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўзаро аҳил, меҳр-муҳаббатли юртлиларга Тангрининг раҳмати кўпроқ ёғилар экан. Бизнинг халқимиз бунини «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилади», дея изоҳлайди. Тўю-маъракаларда кексаларимиз «Тинчлик-хотиржамлик бўлсин», дея дуога қўл очиб, Яратганга илтижо қиладилар, фарзандини кўчага йўллаётган оналаримиз «Бировга озор берма» дея таъинлайдилар. Шу зайл Ўзбекистон заминининг ҳар гўшасига шу маконда азал-абад яшаб ўтган халқ руҳи сочилди. Бу руҳ фақат инсонларгагина эмас, балки жисмларда, тошу тупроқларда, дов-дараклар, гуду гўшларда ҳам аксланади. Ва азал-абад шу ерда яшаб келаяётган халқлардагина эмас, тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган кишилар жисмига ҳам сув, ҳаво ва бошқа неъматлар орқали ана шу руҳ синга бошлайди. Ана шу зайл бутун бир халқ руҳида яхлитлик, бутунлик кучайиб боради. Айни чоғда ушбу бутунлик мавҳуд давлат сиёсатидан баҳраманд бўлиб, буюк қудратга айланади.

Биз Ўзбекистонимиз мисолида ана шу буюк қудратнинг бекиб тимсоллини кўраемиз. Бугунги насибамиз, шону шўҳратимиз, шаънимиз, эртанги тақдиримиз ҳам ана шу тинчлик ва биродарлик руҳидан сув ичди, малол олади, бу ёру инсонч бизга руҳ, куч-қувват бағишлайверади.

**Муножотхон НУРМАТОВА,**  
фалсафа фанлари номзоди.



Данасидан мағиз ширин! Бу гап мақоми ёки ибратли сати, бунисини билмадию, лекин неварога нисбатан айрилиши ҳақиқат. Бир умр юрт хизматида сочи оқарган буна ҳамда унинг аччиқ-чуқук кўнлариса шерик бўлган буни дунё ташвишларини толиққан чоғларида неварасининг кулиб турган юзию, тун янглиғ қоп-қора кўзларидан куч-қувват олиши, шўбҳасиз. Шу боис боланинг боласи ширин-ба, — дейди кексалар.

Пойтахтдаги Ҳамза туманидаги Зебо Шамсуддинова маҳалласида истиқомат қилаётган Каримжон Аҳмаджонов шу сабабдан бир неварасига

Ширинхон, дея исм қўйган.

**СУРАТДА:** К. Аҳмаджонов турмуш ўртоғи Хурриятхон я ҳамда набираси Ширинхон билан.

**Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ** олган сурат.

## 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

# Пари момо

Қашқадарёнинг кун чикар томонида бир қишлоқ бор. Оброн, сувга равон деб аталувчи бу манзилда бир момо яшайди. Уни шонр момо, пари момо дейишади. Ёнига борсангиз кетолмайсиз, суҳбатидан кўнгли узоқмайсиз. Дарларнинг аришти, дилингиз яйрайди. Фаритаси бор момонинг. Айлаиб-ўргилмаган, бир гапириб, ўн куладиган Ҳамро момонинг аслида армонлари кўп. «Отамни кўраманман, Раҳматлини қўлоқ қилишганларидан эманнинг қорнида эканман. Ҳайти келмадилар. Етимлик ҳеч кимнинг бошига тушмасин-а. Энам шўрлик кута-кута тақдирга тан бердилар».

Яратган суйган бандаларини сиқлайди. Ҳамро момонинг онаси Улғў мотомо номидagi йулғў ёш ата эди. Ҳазир Улғў момо 104 ёшни қаршилади.

Юракка тошдек чўккан армон, сўнгги йўқ соғинч ахирини кўнглига сиғмади. Қоғозга шешр бўлиб тўкиди. Ҳамро момо айтолман дарларини, кўнгли кечинмаларини, шўкроналарини сатрларга тизди:

*Ғанимлик ёмон ўт бўлур,  
Бўнага тушсан кўрт бўлур,  
Обод юртдан кўнгли тўлур,  
Хулқисига кўз  
Тесмасин, илоҳим,  
Юртбошимни ўзинг  
асра, худойим.*

Муборак айём кунларида кўнгли сўраш баҳонисидa Ҳамро момо хонадонидa бўлдим. Олпоқ ҳаридрайин рўмонни бошига ташлаб олган Ҳамро момо чиндан-да париларга ўхшарди. Ушқоқна шу момонинг 13 фарзанди дунёга кел-

мизга қайти. Илгарилари эгнимиз шўхи либослар кўрмас эди. Бўз кўйлак кийгич эдик. Энди бозорларимизга кирсангиз кўз кувнайди. Кайси бирини тандилинги билмайсан. Қариганимда ясаниб; давуравронимизга шўкрона айтиб яшайман-да. Дастурхонимиз тўкин-соғин, қишлоғимиз тазлашган. Уйларимиз исенқина. Ҳатто кўнглик тандирга ҳам газ ўтказиб олган. Ўзбек аёлининг жони оройиш топди. 4 ўғлим фермер. Қолганларининг ҳам ери бор. Деҳқончилик қилишади. Шўни орқасидан рўздорлари бут. Шундай замонани мақтамай булайми? Ҳазир шу мустақиллик ҳақида, уни бизга олиб берган Исломжон Каримов ҳақида ёзайман.

Минг қатла шўкур, Юртбошимизнинг оидил ҳўкми билан неча йиллар юрганимни эзиб ётган дарлардан кутулдим. Қатагон қилинганларни оқлаш ҳақидаги хабарни эшитганимда худди отам тирилиб келгандек қувондим. Икки кун йиғлабман. Суйинганимдан, албатта. «Ҳақиқат бор экан, — дейди ушанда энам шивирлаб. — Пок одам эди раҳматли. Рухи шол бўлди-й. Энди ўлсам армоним йўқ. Шу оқловин чикарган лошбо боламни яратган ўз панохида арасин, боши тошдан бўлсин илоҳим».

Ҳамро момонинг гоҳ кулиб, гоҳ кўзларига ёш қўйлиб айтганларини, олис умр дафтариининг маҳзун хотираларини эшитсангиз, «Бежиз шонр бўлмаган пари момо» дейсиз.

Ҳамро момо хонадонидан қайтар чоғимда Улғў момо элур-юрта барака, тинчлик, ёшларга умр тилаб доу қилди.

Илоҳим дуоларингиз қўласин. Бу дунёда бахти бир кам бўлмайсин. Ҳар ким ёшини яшаб, ошини ошаб ўтсин, моларини!

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**  
журналист.

## «Зангори олов» тафти

Талимаржон шаҳарчасига табиий газ келди. — дея хабар беради «Туркистон-пресс» муҳбири. — 2000 дан зиёд хонадон «зангори олов» тафтидан баҳраманд бўлмоқда. Ушбу қўлайликдан фўлқуварлар шаҳарчаси аҳолиси, айниқса хонадон бекалари хурсанд.

## Ташхис маркази

Ховос тумани марказий шифонасидa хорих тиббий ускуналари билан жиҳозланган функционал ташхис бўлими очилди. Австрия, Германия ва Жанубий Кореядан сотиб олинган ушбу ускуналарнинг қиймати нақд 100 миллион сўм! Бироқ бу инсон саломатлигини муҳофазаси олинди... оддий рақамлар, холос.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазириклар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 12 ноябрдан 24 ноябргача бўлган маълумот)

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг 2001 йил 1 ноябрдаги 120-сон, Монополиядан чикариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 1 ноябрдаги 9-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 1 ноябрдаги 2001-112-сонли «Савдо ташкилотлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги истеъмол товарлари (ун, ўсимлик ёғи ва қанд-шакар)га чекланган савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2001 йил 13 ноябрда 1083-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 23 ноябрдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг 2001 йил 9 ноябрдаги 5-сон ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг 2001 йил 9 ноябрдаги 1-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидa чегара зонаси ўрнатилган туман, шаҳар, қишлоқ кенгашлари, темир йўл бекатлари, тай-врағоҳлар ва маъмурий ҳудудий бўлиналар рўйхатини эълон қилиш тўғрисида»-ги қарори.

2001 йил 16 ноябрда 1084-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 26 ноябрдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг 7 ноябрь 2001 йилдаги 119-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 7 ноябрь 2001 йилдаги 2001-111-сон, Макроиктисодат вазириликнинг 7 ноябрь 2001 йилдаги 34-сон, Марказий банкнинг 7 ноябрь 2001 йилдаги 205-В-сонли «Бухгалтерлик ҳисоби, статистик ҳисобот ва бошқа ҳисоботларда хорихий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2001 йил 22 ноябрда 1086-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 2 декабрдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг 2001 йил 2-ноябрдаги 3-сонли «Берилган радиочастоталарни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва маълумотларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2001 йил 22 ноябрда 1086-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 2 декабрдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг 2001 йил 17 ноябрдаги 298-сонли «Ахлоқ тўзатиш ишлари, муайян ҳуққудан маҳрум қилиш тартибидaги жазаоларни ижро этиш ва шартли ҳўкми қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

2001 йил 24 ноябрда 1087-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 4 декабрдан қучга кирди).

### II. Давлат рўйхатидан чикарилди:

1. Бухгалтерлик ҳисоби, статистик ҳисобот ва бошқа ҳисоботларда хорихий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми ва 1-сонли ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Макроиктисодат вазирилик, Марказий банк томонидан тасдиқланган ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган (2000 йил 3 июнда 931-сон, 2000 йил 9 октябрда 931-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Адлия вазириликнинг 2001 йил 16 ноябрдаги 200-мқ-сонли буйруғи билан чикарилди.

2. Консигнация операцияларини бухгалтерия ҳисобидa акс эттиришининг ўзига хос хусусиятлари ва 1-сонли ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик томонидан тасдиқланган. (1999 йил 16 октябрда 607-1-сон, 2000 йил 4 ноябрда 607-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Адлия вазириликнинг 2001 йил 16 ноябрдаги 200-мқ-сонли буйруғи билан чикарилди.

Маъмур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат рестридан чикарилди.

### III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Уздавтемирўйлназоратининг «Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида поездаларнинг ҳаракатланиши ва маневрлик ишлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

Адлия вазирилик билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг «Ўқув юртлирини тугатиб, «Қизилқумодирметаллолтин» Давлат концерни корхоналарида иктисодиклари бўйича ишга келувчи ёш мутахассисларга йўл пули ва уй-жой сотиб олиш учун фойсиз ссудалар бериш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

Ушбу ҳужжат умумий мажбурий қучга эга эмас.

Маъмур ҳужжатлар белгиланган тартибда тегишли вазирилик ва идоралар томонидан тасдиқланиб, қучга киритилиши мумкин. Адлия вазириликда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонунларга зид қондалар бўлмаслиги лозим.

### IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва сув тармоқлаш тизимларидан фойдаланиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг «Аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг «Тиббвод моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг «Тиббвод моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларни муомалада бўлиши билан боғлиқ операцияларни махсус рўйхатга олиш қондаларини қоритиш ва сақлаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

5. Давламаназоратининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация таркибини тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 мартдаги ПФ-1980-сонли «Ўзбекистон театр санагини ривожлантириш ҳақида»-ги қўрсатмаси.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг «Олий ва ўрта махсус таълим фидойисини қўрақ нишонини ҳақида»-ги қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочисини қўрақ нишонини ҳақида»-ги қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ва «Ўзбекгозсаноат» уюшмасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидa қоғоз макултураси топширувчиларни раб-талантириш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликнинг «Фермер ҳўжалиқларининг моддий-техник таъминоти, уларга хизмат кўрсатиш ва ўзаро ҳисоб-китоб масалаларини мувофиқлаштириш бўйича тартибини тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қончилиққа зид қондалар маъмур ёки улғў меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайдди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазириликнинг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

### V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридaги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг «Ҳўжалик судлари томонидан тижорат банклари ва уларнинг миқозларини ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бузилишига оид низоларни қўриб чиқиш, ҳўжалик суди қарорларини банклар ва солиқ идоралари томонидан ижро этиш ҳақида ҳисобот қоритиш ва умумлаштириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ва Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан туловларни амалга ошириш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

### Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликнинг Идоравий меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.

Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

**2002 йилдан бошлаб Европанин 12 мамлақати учун ягона валюта — Е В Р О муомалага чиқарилади.**

**2002 йил 1 январдан эътиборан корхоналар ва фуқаролар Миллий банкнинг барча бўлим ва филиалларида ўзларининг валюта ҳисобварақларидан нақд пулда ЕВРО олишлари мумкин.**

**Ягона пул белгисига ўтаётган мамлакатларнинг валютаси «ЕВРО айирбошлаш» махсус депозитига қўйилса, у ЕВРОга ёки ҳисобварақ эгасининг хоҳишига кўра, евро ҳудудига кирмаган мамлакатларнинг бошқа валютасига алмаштирилади.**

**«ЕВРО айирбошлаш» махсус депозитига маблағлар 2001 йил 25 декабрда қабул қилинади.**

**Ўз жамғармаларингиз ҳақида ўйлашга кечикманг!**

**Алоқа учун телефонлар: 137-62-81, 137-62-83.**



## “Lok Kolor Sintez”

ҚўШМА КОРХОНАСИ

Ўзи ишлаб чиқарган кенг ассортиментдаги тикувчилик маҳсулотларини тақлиф этади.

МАХСУС КИЙИМЛАР

- енги узун эркаклар иш костюми;
- енги қалта эркаклар иш костюми;
- эркаклар ярим комбинезони;
- аёллар ярим комбинезони;
- аёллар иш бермудалари;
- аёллар иш фартуклари;
- эркаклар учун иссиқ иш куртқалари;
- йўл хизмати ходимлари жилети;
- аёллар тиббий ҳалати;
- эркаклар тиббий ҳалати;
- аёллар иш ҳалати;
- эркаклар иш ҳалати;
- ошпазлар куртқаси;
- ошпазлар бош кийими;
- ички кийимлар;
- қўлқоплар

ҳамда миқозларнинг буортмаларига кўра, бошқа махсус кийимлар тикиб берилади.

Хар хил рангли ва ўлчамли КўРПА-ЁСИҚ БУТОМЛАРИ

- кўрпа жилдлари;
- чойшаблар;
- ёстик жилдлари.

ШУНИНГДЕК:

- дастурхоналар;
- дастурхон
- + бта ип газламали салфетка;
- ип газламали салфеткалар;
- 85x50 ўлчамдаги сочиклар.

Телефонлар: 191-47-41, 191-80-94, факс: 191-74-63.

Озод диёр — обод диёр

— Гулободимизга кўз тегмасин, йилдан-йилга гўзаллашиб борапти. Мана, бу биналарга боқиб кўз тўймайди-я, ҳов, анави янги қурилганда набираларнинг касб-хўрақ ўргатишлари...



Самарқанд тумани ҳокимлигидан чиқиб келаётган оппоқ соқоли, фаршамисол отахон ёнидагиларга завқ билан шундай уқтирарди. Бошқалар отахоннинг айтганларини маъқуллаб, теварак-атрофдаги мухташам иншоотлар, бог-роғларга ҳавас билан боқибарди.

Эзгулик бор бўлсин

Отахон таъриф этганидек, Самарқанд тумани маркази — Гулободнинг ҳар гушаси обод. Ободончилик, орастан-дилдан дил яшайди. Бир-бирдан гўзал, бири-бирдан мухташам биналар қўрғон чиройига чирой қўшиб турилади. Республикамиз Конституциясининг тўққиз йиллиги арафасида Гулободда бўлиб ётиган яна бир саноатчи иншоот — Иқтисодий-иқтисодий колледжи фойдаланишга топширилди.



ми? Еки бюджет корхоналари бухгалтерига эҳтиёж қанчалик катта. Иқтисодчи-хуқуқшунос касбини эгаллаганларини бугунги даврнинг энг зарур мутахассислари қаторига бемалол қўшиб мумкин.

қуни муносабати билан юздан ортиқ уруш ва меҳнат фазиллари, болаликдан ногиронлар тақлиф этилди. Уларнинг барчасига совғалар ва ёрдам пуллари берилди. Кам тазминланган оилалардаги 19 нафар фарзанднинг суннат тўйлари ўтказилгани, тўйболаларнинг ҳар бири велосипеду, яна қанчадан-қанча совғаларга эга бўлгани кўпчиликнинг ёлдан чиқмас керак. Яна бир эътиборлиси, иккинчи кам тазминланган оиланинг туман ҳокимлиги ташаббуси билан қурилган янги уй-жойга қўчиб ўтгани бўлди.

Ана шу тадбирлар давоми «Миришкор» фермер ҳўжалигининг «Маънавият ва маърифат» марказига кўчди. Бу ерда тўқтин дастурхон, бир пиледа чой устида суҳбат қилинди.

Юрш имконияти бўлмаган 53 нафар ногиронга махсус аравачаларнинг ҳаёти этилган савоб шуканини, фақатгина ана шу аравачалар учун 8 миллион сўм маблағ сарфлангани, мамлакатимизда инсон ҳақари нақадар баландлигини тадбир қатнашчилари эътироф этилди. Бундан ташқари айнан шу тадбирда 100 га яқин ногиронларга қўлтиқак, эшитиш аппаратлари каби анжумлар тарқатилди.

Хотира кечаси

Халқимизнинг сеvimли фарзанди Наби Раҳимов ўзбек театр ва кино санъатининг машҳур намоёндаларидан бири эди. У ўз ижодий фаолияти довомида сахна ва экранда миллий ва хорижий халқлар асарларидagi турли образларни жонли, тўлақонли ва ишонарли акс эттириб олган эди.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Эҳтиром

Маълумки, яқинда бутун мамлакатимиз миллий кадрларимизнинг энг кўҳна ёдгорлиги бўлиши «Авесто»нинг 2700 йиллигини тантанали нишонлади. Шу муносабат билан Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нарийбети профессори Х.Ҳомидовнинг «Авесто» файзлари китобини чоп этди.

«Авесто» файзлари

Ушбу рисола мазкур ёдгорликдаги кўп масалаларни ёритганлиги билан ажралиб туради. «Авесто»нинг тарихий қисмлари ва моҳияти, «Зардуштнинг ҳаёти ва фаолияти», «Зардушт фалсафаси», «Авесто»нинг адабий қиммати, «Авесто»да таълим ва устоз тақлиби, «Авесто»да оила ва аёл эрки масаласи индиқоси» сингари болларнинг ўзбек ва фирқани тасдиқлайди.

Шунингдек, китобда «Авесто» асосида ажлоларимизнинг қадимги байрамлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлом насл муаммоси каби долзарб мавзулар ҳам батафсил ёритилган. Рисолага профессор Нажмиддин Комилов муқаддима ёзган. Шуниси диққатга сазоворки, маскур рисола халқимизнинг миллий-маънавий қадриятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

«Диёнат» кубогини олишди

Наманган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг наشري — «Диёнат» газетаси таҳририяти ташаббуси билан ўтказилган мини футбол муسابақаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланди. Унда иштирок этган вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларининг терма жамоалари ажойиб ўйин кўрсатдилар. Кескин беллашулар кубок эгасини аниқлаб берди. Биринчи ва иккинчи ўрин вилоят прокуратурасининг икки гуруҳига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Норин, Учқўрғон, Уйчи туман ҳуқуқшуносларидан ташкил топган жамоа қўлга киритди.

Advertisement for SH Export equipment including PHILIPS, IntelliSense, RANGER, Vinlad, and ADEMCO microtech. Includes contact information for a company in Tashkent.

Advertisement for ALTAY video surveillance equipment. Features Samsung and other brands. Includes contact information for a company in Tashkent.

Advertisement for SALANG-SAVDO machinery. Lists various types of equipment like pumps, generators, and their prices.

Advertisement for Uzbekistan Chamber of Commerce and Industry. Lists services like export of goods, legal assistance, and contact information.

Advertisement for SAVOL BIZDAN... offering services in Tashkent. Includes contact information for a company.

Large advertisement for the Y. Okhunboboev Republican Youth Tomo-Shabinlar Theatre. Announces a play 'Щелкунчик' starting in December 2001.

Advertisement for radio communication systems. Claims a range of up to 50 km and includes contact information.

Advertisement for Uzbekneftgaz company. Lists services like gas supply and contact information.

Advertisement for an architectural-construction institute. Lists services like design and construction and contact information.

БЎЛИМЛАР:

- List of departments and their contact numbers: Иқтисодий-иқтисодий ҳаёт, Иқтисодий, Маънавият ва маърифат, Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар, Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими, Янгиликлар ва халқаро ҳаёт, Котибият, Эълонлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 3115, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мусаввир — О. АБДУАЗИМОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририят ҳажми 5 қўғоздан зинд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.00. 1 2 3 4 5 6